

203

Оила ва

Оила соғлом экан — жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан — мамлакат барқарордир.

Ислом КАРИМОВ

45 (1094)-сон 7 ноябрь 2012 йил

Газета 1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

Жамият



Кузнинг сўнги лаҳзалари

Машраб НУРИНБОЕВ сурат-лавҳаси.

ИНТЕРНЕТ ЖУРНАЛИСТИКАСИ



2

4 КУЗДА ПИШГАН ЎРИК



ОИЛА ФАРИШТАСИ, ЖАМОАНИНГ ҚОШУ КЎЗИ

5



ГАВҲАР ЙУҚОТГАН ГҲМРОҚ

Ехид оқпадар ўғил иқрорномаси



6 ОЛТИ ЁШЛИ БОЛА: МАКТАБГА ТАЙЁРМИ?



8

“ОБУНА — 2013”

Индекс — 176

“Оила ва жамият”

газетасини ўз оиласининг яна бир ҳақиқий аъзоси сифатида қадрлаб, биз билан ҳамфикр, ҳаммаслак бўлиб келаётган муҳтарам муштарийлар! Унутманг, севимли газетангизга обуна давом этмоқда.



ЭХТИЁЖ БОР, ИМКОНИАТ ҲАМ

Турли нашрлар, ахборот агентликларининг интернет сайтлари, порталларнинг интернет фойдаланувчилар эътиборини қозонганига анча бўлди. Бугунги кунда мамлакатимизда интернет журналистикаси ривож учун деярли барча шароитлар яратилган.

Республикамизда ахборот технологиялари бозорини янада ривожлантириш имконини берадиган кучли қонунчилик тизими яратилди. Бу борада 11 тармоққа оид ва 6 турдош қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг учта фармони, давлатимиз раҳбари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг қатор қарорлари мамлакатимиз ахборот-коммуникация технологиялари соҳасининг меъморий-ҳуқуқий асосини ташкил қилади.

Бугунда кўплаб нашр, радио, телевидениенинг ҳам ўз сайтлари мавжуд. Мисол учун бугунги кунда katalog.uz рўйхатидан ўтган даврий босма нашрларнинг сайти мамлакатимиз миқёсида 78 тани ташкил қилади. Шунингдек, 28 та ахборот агентликлари ва порталлар, 22 та радио ва телевидение, 19 та журнал, 18 та типография ва нашриётлар сайтлари ишлаб турибди. Интернет орқали ахборот олувчилар сони ҳам кундан-кунга ошиб бораётир.

Бу фикримизни ушбу мисол билан изоҳласак. Эътироф этиш кераки, интернет фойдаланувчилари орасида анчагина машхур OLAM.uz портали қисқа муддат ичида доимий иштирокчиларига эга бўлди.

Портал маълумотларига кўра, бир кунда ушбу сайтни 30 мингдан ортиқ киши кириб кўради. Ўтган йилнинг март ойларида ташкил этилган порталдан март-май ойларида 140570 нафар киши фойдаланган бўлса, 2012 йил шу муддат давомида уларнинг сони бир ярим миллиондан ошиб кетган. Сайтда 18 турдан иборат турли хизматлар фаолият юритади. Асосийси, ахборот бўлими бўлиб, ушбу жамоа соат 8.00 дан 21.00 гача мамлакатимиз ҳамда дунёда содир бўлган барча воқеа-ҳодисалардан ўз мухлисларини тезкор суратда ха-

Самарқандда чоп этилаётган ва айна пайтда республика миқёсида ҳам ўзига хос нуфузга эга бўлган «Зарафшон» газетасининг сайти Zarnews.uz га кирувчилар сони билан қизиқим. Аниқланишича, бир кун давомида сайтга 200 нафарга яқин интернет фойдаланувчилари кираркан. Бу газета сайти учун ёмон кўрсаткич эмас. Яъни ўқувчи учун бу яна бир қўшимча имконият. Маълум бир газета ихлосманди шу нашрни қайси давлатда ё шаҳарда чоп этилишидан қатъи назар, уни интернетдаги сайт орқали ўқиш имкониятига эга.

— Ҳар кун интернет орқали дунё миқёсида содир бўлаётган воқеа-ҳодисалардан хабардор бўлиб тураман, — дейди шифокор Нодир Рахимов. — Доимий равишда фойдаланганим сабабли, фақат холис, ишончли маълум бир сайтларни кузатишга интиланам. Шунингдек, юртимизда фаолият юритаётган оммавий ахборот воситаларини ҳам мунтазам равишда мутолаа қиламан. Сабаби, таҳлилий мақолаларни барибир газета орқали ўқиш қулайроқ.

ИНТЕРНЕТ ЖУРНАЛИСТИКАСИ: ҚУЛАЙ, ТЕЗКОР, ОММАБОП



бардор этиб боради.

Дарвоқе, портал ўтган йили «UZ миллий домини фестивали»да «ОАВнинг энг яхши сайти» ҳамда «ОАВда энг кўп фойдаланиладиган сайт» каби номинацияларда ғолибликни эгаллаган.

— Интернет сайтларининг қулайлиги унда фақат ахборот эмас, ўзингизга керакли кўп маълумотларни олиш мумкин, — дейди журналист Роҳила Очилова. — Бирор бир мақола юзасидан туринг фикрни вақт ўтказмасдан, ўша захотиёқ жўнатиш, бошқа ўқувчилар билан фикр алмашиш имконияти ҳам

бор. Яъни сиз бемалол бирор бир порталдан доимий фойдаланувчигина эмас, балки қизиқишингиз доирасида ўша аудитория билан бемалол мулоқотга киришиш имконига эга бўласиз.

ЯНГИ ЖУРНАЛИСТИКА

Одамларни хабардор қилиш мақсадида пайдо бўлган оммавий ахборот воситалари сирасига XXI асрдаёқ радио, телевидениедан анча кейинроқ интернет журналистикаси ҳам кириб келди. Ва у аҳолини ахборот билан таъминлашнинг қулай усули сифатида катта эътибор қозонди. Шу тариқа ҳар бир инсон оммавий ахборот воситаси ташкил қилиш имконига эга бўлди. Интернет нашрлар расмий ОАВ мақомига эга бўлиши ёки бўлмалиги ҳам мумкин. Шунингдек, бу соҳада фаолият юритаётган интернет-журналист соҳага тегишли анъанавий телесъёмка, овоз ёзиш, нашр этириш кабилағарга тўқнаш келмайди. Одатда интернет журналист ҳам интернет орқали тарқатган ахбороти учун жавобгар бўлиши лозим. Аммо дунё миқёсида оладиган бўлсак, бу қондаги доимий амал қилиниши кузатишмайди. Интернет-журналистиканинг кириб келиши журналистиканинг индивидуаллашуви ҳам олиб келди. Яъни ҳар бир шахс ахборот тарқатиш имконига эга бўлди. Аиниқса, бунда блог-

Жараён

лар алоҳида ўрин эгаллайди.

Юқорида сайт, блог, портал каби сўзлардан кўп фойдаландик. Хўш, бу нима дегани ўзи?

Сайт — интернет тармоғининг глобал ресурслари. Яъни бу интернет тармоғига махсус жойлаштирилган ахборотлар бўлиб, у интернет фойдаланувчилари учун очик саналади. Сайтлардан фойдаланишининг оддийлиги, тармоқда уларнинг сони кескин ортиб кетишига сабаб бўлган.

Бугунга келиб, интернет-технологияларнинг хилма-хиллиги боис сайт оддийгина саҳифадан тортиб, катта веб-портал ҳам бўлиши мумкин. Ҳар бир сайтнинг ўзига хос мақсад ва вазифалари бўлиб, улар интернет имкониятлари туфайли амалга оширилади. Чат, форум, эълонлар, ахборотлар тизими, электрон ОАВ, он-лайн таржимонлар, интернет-дўконлар буларнинг ҳаммаси сайтлардир.

Блог бу кундалик сифатида ишлатиладиган сайт. Унинг асосий мундарижаси доимий янгиланиб турадиган қайدلари. Барча кундалиқлар қатори, блогда ҳам унинг эгаси ўз ҳаёти тарихи, уни қизиқтирувчи воқеалар, фикр-мулоҳазаларни киритиши мумкин. Унинг қоғоз кундалиқдан асосий фарқи, тармоқдаги барча фойдаланувчиларига очик.

Ақсарият соҳаларда ишнинг самарали ташкил қилиниши учун катта ахборот йиғилиши лозим. Портал мана шу эҳтиёж самараси ўлароқ пайдо бўлган. Ушбу тармоқда интернет фойдаланувчилар маълум бир соҳаларда ўзларига тегишли бўлган барча ахборотларни олиш имконига эга.

Кейинги пайтларда олимлар интернет журналистикаси босма нашрларнинг қисқариб кетишига олиб келиш эҳтимоли бор, деган башоратларни кўп такрорлашди. Аммо вақт шуни кўрсатмоқдаки, интернет журналистикаси барча оммавий ахборот воситаларини тўлдирди, бир-бири билан узвий боғлиқ ҳолда фаолият олиб бораётир. Бу эса барча оммавий ахборот воситалари соҳанинг муҳим қондаларига риоя қилган ҳолда фаолият юритиши уларнинг давомийлигини, кенг аудиторияни жалб қила олишини кўрсатиб турибди.

Гулруҳ МҶМИНОВА,
шарҳловчи.

Қарор ва ижро

ПИРОТЕХНИКА ВОСИТАЛАРИГА ЙЎЛ ЙЎҚ!

Маълумки, хуфёна иқтисодиётга қарши курашиш сифатсиз махсулотларни мамлакатимиз ҳудудига олиб кириш ҳамда уларни ишлаб чиқарилишига барҳам бериш соғлом рақобат муҳитини шакллантиришга ёрдам беради. Шу маънода солиқ идоралари бошқа тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда мамлакатимиз ҳудудига ноқонуний пиротехника воситаларини сотиш ва тарқатилишига уриниш каби ҳолатларнинг олдини олиш учун бир қатор чора-тадбирларни амалга ошириб келмоқда.

Бу борада мана бир неча йилдирки, солиқ тизими ходимларига «Ўзбекистон Республикаси ҳудудига пиротехника воситалари айланишини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 10 декабрдаги қарори асосий ҳужжат вазифасини ўтамоқда. Натижада ўтган давр мобайнида ноқонуний пиротехника воситаларини бозор ва дўконларда сотиш тугул, уларни ҳатто мамлакатимиз ҳудудига олиб киришга ҳам бутунлай барҳам берилди. Бу билан албатта, маҳалла ва кўча-кўйларда бемаврид пақиллаш ва портлашларнинг олди олиниб, осойишталик таъминланмоқда. Айна шу кунларда ҳам туманимиз ҳудудига фаолият олиб бораётган ақсарият хўжалиқ юритувчи субъектлар, шунингдек, фуқаролар, айнққса ёш болаларнинг соғлиги ҳамда ҳаётига хавф туғдирувчи пиротехника воситаларини сотмаслик юзасидан аҳоли ўртасида мазкур қарорнинг мазмун-моҳияти юзасидан тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

Туман ҳудудига пиротехника воситаларини ноқонуний сақлаш жойлари, хуфёна пиротехника воситаларини сотиш шохобчаларини аниқлаш борасида назорат тадбирлари мунтазам ўтказиб келинмоқда. Шуниси эътиборга молики, ўтказилган назорат тадбирларида ноқонуний пиротехника воситаларини сотиш ҳолатлари аниқланмади.

Мирзиёт АБИДОВ,
Шайхонтоҳур туман ДСИ шўба бошлиғи.

ОБОДЛИККА ЙЎҒРИЛГАН ГЎША

Пайшанба шаҳарчаси таркибидаги «Богот» маҳалласи Каттакўрғон туманидаги энг намунали йиғинлардан бири сифатида эътироф этилади. Боиси, ўтган йиллар мобайнида бу ерда оилавий ақрилар, ҳуқуқбозликлар деярли содир этилган. Худуддаги мавжуд ўн та кўча тоза-озода, саранжом-саришта. Келган кишининг баҳри-дили очилади. Қолаверса, йиғин раисининг бой таърибига эғалиги ҳам оилаларда соғлом маънавий муҳит барқарорлигини таъминламоқда.

— Ободлик кўнгиладан бошланади, деган гап беҳиз айтилмаган. Зеро, кўнгиладан ободлиги оилалар мустаҳкамлиги билан ҳам чамбарчас боғлиқдир, — дейди мазкур маҳалла раиси Раимберди Дарвишев. — Жорий йилнинг Ўртбошимиз томонида «Мустаҳкам оила йили» деб эълон қилиниши замирида, масалан бизнинг маҳалламиз ҳудудига истиқомат қилувчи 890 оиланинг фаровон ва тотли турмуши, ўзаро аҳил-иноқлиги, барқарорлигини таъминлашдек маъсулиятли вазифа мужассамлигини бизлар чуқур ҳис қилаёмиз. Икки йил-

дирки, маҳаллаимизда «Ёш оила» маркази фаолият юритмоқда.

Олайлик, Яраштириш комиссияси таркиби маҳалланинг тажрибали кайвониларидан иборат. Ҳар бир фаолнинг вазифаси низоом асосида белгилаб қўйилган. Комиссия йиллик иш режасига эга ва шу асосда фаолият юритмоқда. Иш режасидан оилалар мустаҳкамлигини таъминлаш учун ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар тарғиботи ташкил этишдан бошлаб, оилаларда соғлом маънавий муҳитни яратиш, ёшларни миллий анъаналар ва урф-одатлар руҳида тарбиялаш, тўй-ҳашамлар, турли маросимлардаги дабдабозликларни чеклаш, ички имкониятлар ҳисобидан аҳоли даромадларини кўпайтириш каби долзарб вазифалар ўрин олган.

Шуни алоҳида таъкидлаш кераки, маҳаллада тўйгача тиббий кўрик ва қонуний ниҳоддан ўтиш изчил йўлга қўйилган. Бу эса тўйдан кейинги баъзи кўнгилаҳирликлар, жумладан, ёш оилаларнинг турмуши бузилишининг олдини олаётир.

Маҳалла аҳли доимий равишда вилоят ва республика

Менинг маҳаллам

миқёсидаги турли кўрик-танловларда фаол катнашиб келаятгани ҳам эътиборга сазовор. Амалга оширилган маънавий-маърифий, тарбиявий тарғибот-ташвиқот ишлари самараси ўлароқ, маҳалла жамоаси «Маҳалла» жамоат фондинг қатор фахрий ёрликлари билан тақдирланган. Яқинда уларнинг «Энг намунали маҳалла» кўриктанловининг туман босқичида 1-ўринни эгаллагани ҳам фикримизни тасдиқлайди.

Дарҳақиқат, ушбу гўшада қўлга киритилаётган айрим-айрим утуқлар хусусида сўз: Масалан, Шохида Раҳматова ўз хонадонидида 12 нафар маҳалладошига тикувчилик сирларини ўргатмоқда. Олим Худойкулов эса келгусида маҳалла ёшлар бандлигини таъминлаш мақсадида паррандачилик фермасини очишни мўлжаллаб турибди.

Инсон умрини, ҳаётини она Ватан учун, унинг истиқболи учун, эл-юрт ободлиги учун бахшида этиб яшаса, қалб кўрини, юрак меҳрини унга ҳада этолса, бундай тақдир гўзал ва ҳаётбахшдир.

Ҳошим ОРЗИҚУЛОВ,
«Оила ва жамият»
муҳбири.
Самарқанд вилояти.

ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚЎМИТАСИ АХБОРОТ ХИЗМАТИ ХАБАР ҚИЛАДИ:

Шу кунларда хотин-қизлар қўмитаси тизимида навбатдаги ҳисобот-сайлов конференциялари бўлиб ўтаётди. Жумладан, 1-17 ноябрь кунларида туман-шаҳарлар ҳамда 20 ноябрдан 1 декабргача Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Хотин-қизлар қўмиталарининг ҳисобот-сайлов конференциялари бўлиб ўтади.

Тошкент шаҳар Олмазор тумани хотин-қизлар қўмитасининг навбатдаги ҳисобот-сайлов конференцияси Турин политехника институтининг бўлиб ўтди. Анжуманда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини янада кучайтириш, уларни иш билан таъминлаш ҳамда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш масалалари юзасидан амалга оширилган ишлар таҳлил этилиб, келгусидаги режалар белгилаб олинди. Бунда бевосита давлатимиз раҳбарининг Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясига таянилади.

Конференцияда аёллар ва ёшларни иш билан банд этиш мақсадида ташкил этилаётган меҳнат ярмаркалари фаолиятидаги нуқсонлар, маҳалла ва хонадонлар ободлигини таъминлашда жамоатчиликда фаол ва ташаббускорлик етарлича намоён бўлмаётгани каби муаммоларни бартараф этиш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси Элмира Боситхонова Вазирлар Маҳкамасининг "Ижтимоий соҳа объектларини электр энергия, ичимлик суви билан таъминлаш, қишга кўмир жамлаш, суволирилган газни таъминлаш, режалаштирилган муқамал ва жорий таъмирлаш ишларини якунлаш, объектларнинг тайёргарлик ҳолатини ўрганиш тўғрисида"ги топшириғига биноан Самарқанд вилоятидаги вилоят психоневрология диспансери ҳамда вилоят руҳий касалликлар шифохонасида бўлиб, у ерда беморларга яратилган шарт-шароит ҳамда куз-қиш мавсумига тайёргарлик ишлари билан яқиндан танишиди.

"СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН"

СИНХРОН СУЗИШ ФЕСТИВАЛИ

Спорт руҳ тетиқлигини, жисмунимиз мустаҳкамлигини таъминлайди. Соғлом ва ҳар томонлама баркамол авлод тарбиясида спортнинг ўрни беқиёс эканлиги боис юртимизда болалар ва ўсмирлар спорти ривожига олдҳида аҳамият бериб келинмоқда.

"Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси ҳамда синхрон сузиш федерацияси ҳамкорлигида синхрон сузиш бўйича ўсмир қизлар ўртасида ўтказилган "Соғлом авлод учун" спорт фестивали кўпчиликда катта қизиқиш уйғотди. Қарийб юз нафарга яқин ёши чегараланмаган қизлар иштирок этган беллашув мурасасиз кечди. Кубок бахсларида ҳар бир жамоа ўзлари тайёрлаган эркин дастурларни ҳам мухлислар эътиборига ҳавола этди. Фестиваль якунида голиб ва совриндорларга "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармасининг эсдалик совғалари топширилди.

Ўз мухбиримиз

УМР ДЕГАНЛАРИ... ОҚАР ДАРЁДИР



Инсон ўз умрини ҳалол меҳнат билан зийнатлайди. У қурувчи, шифокор ёки деҳқонми, ким бўлмасин, ўз касби ва ҳунари орқали эл-улус орасида обрў-эътибор қозонади. Сўхбатдошимиз — Занглот туманидаги "Миракбар Алпмов" фермер хўжалиги раҳбари Феруза Акбарова ҳам ана шундай фидойи аёллардан бири.

ЎЗИНИНГ ҲИКОЯСИ:

— Болалик, ўсмирлик йилларим Юнусободда ўтган. Урта мактабни тамомлаб, ҳозирги Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг физика-математика факультетига ўқишга кирдим. Турмушга чиққач, уйимизга яқинроқ жойдаги мактабда ўқитувчи бўлиб ишлаш бошладим. Мўъжазгина ҳовлида қайнона-қайнотам, овсинлар, қайсингиллар билан бирга яшардим. Хонадонимиз кичкина бўлса ҳам кўнглимиз кенг эканими, жуда аҳилноқ эдик. Эрталаб болаларни қайнонамга қолдириб, ишга кетардим. "Ҳасанбой" қишлоқ фуқаролар йиғинидан ер олиб, кўчи келгач, ишимни ҳам қишлоқ мактабига ўтказдим.

Ўша пайтлари, ишонсангиз, агар умр вафо қилиб, нафақага чиқсам, деҳқончилик билан астойдил шуғулланаман, деган ниятни кўнглимга тугиб юрардим. Бу эзгу мақсадимни амалга оширишимга мустақиллик йўл очиб берди, десам муболага бўлмайди. Истиклолнинг дастлабки йилларида, эсласангиз, юртимизда картошка тақчиллиги сал-пал сезиларди. Ана шу муаммони ҳал қилиш учун фермерлар томонидан бошланган ҳаракатда ўзимни синиб кўрдим. Голландиядан келтирилган уруғлардан сотиб олиб, фарзандларим билан тажриба ўтказдик. Интилганга толе ёр, деб бежиз айтишмаган экан. Деҳқончиликдаги илк қадамларим чакки бўлмади.

— Мактабдан ортиб ишлаш осон эмас-ку? Сиз бу борада қандай йўл тутдингиз?

— Дала деб мактабни ташлаб кетганим йўқ. Азбаройи деҳқончиликка қизиқишим устунлик қилгани учун шу йўлни танладим.

— Бу борада барибир тажриба ҳам керак-ку, сиз ўзингизга ишондигинизми, ёки ёнингизга малакали одамлар бормиди?

— Аввало, менда куч-ғайрат билан бирга ерга бўлган меҳр-муҳаббат кучи эди. Хуллас, 2006 йили "Ҳасанбой" жамоа хўжалигидаги майдонлар тендерга қўйилди. Шартларга кўра, ер эгаси олий маълумотли, техника билан таъминланган бўлиши талаб қилинарди. Тендерда юқори балл тўплаб, 17 гектар ер эгаси бўлдим. Кейин кўп йиллар далада суяги қотган Муроджон Қорабоев, Тоҳир Қодировлар ёрдами ва маслаҳат-

тига суяндим. Далада ишлаш учун ҳамма шарт-шароит етарли бўлса-ю, лекин ер тилини тушунмаса, ҳаммаси бефойда бўлади. Масалан, картошкани олайлик. Кўпчилик уни беор, ўстириш осон деб ўйлайди. Аммо бу ўсимликнинг ҳам ўзига яраша инжиқликлари бор. Ундан яхши ҳосил олиш учун ерга парранда гўнгидан солиш, вақтида сув бериш, чопиш керак. Агар озука керагидан ортиқ берилса, ниҳоллар яшин тезлигида қуриб қолади. Тажрибамиз ортагина сайин йилдан-йилга ҳосилдорлигимиз ошиб борди. Еримизнинг бир қисмига иссиқхона қуриб, помидор, булғор қаламлар оша, фарзандларингизга қандай тарбия бергансиз, дея савол беради. Улар дадаси ва меннинг тиниб-тинчимаслигим, қолаверса, босаётган қадамимизни кўриб ўсишди, десам тўғрироқ бўлади. Болаларни тўғри тарбиялаш учун ишламасдан, уйда ўтириш шарт деб ҳеч қачон ўйламаганман. Уй-рўзгор юмушларини бажаришга ҳам, мактабдаги фаолиятимга ҳам вақт ва имкон топардим. Ҳатто, мактабдаги катта танаффусдан ҳам унумли фойдаланиб қолардим. Кўнгирак чалиниши билан уйга келиб, рўзгор юмушларини тезгина бажариб, болаларим беқор юрмасликлари учун ишларни тақсимлаб кетардим. Ҳовлимиз четига томорқани уч қисмга бўлиб, уч боламга алоҳида ер ажратиб берганман. Ҳар ким ёқтирган экинини экиб, ўзинча деҳқончилик қилди. Мен фақат уларга ўргатиб, ёрдамлашиб турардим.

— Демак, сизнинг оилангизда меҳнатга, ишлашга рағбат ва кўниким аллақачон шаклланибди-да?

— Бўлмасам-чи, кўпчилик ёш оила қурганлар опа, фарзандларингизга қандай тарбия бергансиз, дея савол беради. Улар дадаси ва меннинг тиниб-тинчимаслигим, қолаверса, босаётган қадамимизни кўриб ўсишди, десам тўғрироқ бўлади. Болаларни тўғри тарбиялаш учун ишламасдан, уйда ўтириш шарт деб ҳеч қачон ўйламаганман. Уй-рўзгор юмушларини бажаришга ҳам, мактабдаги фаолиятимга ҳам вақт ва имкон топардим. Ҳатто, мактабдаги катта танаффусдан ҳам унумли фойдаланиб қолардим. Кўнгирак чалиниши билан уйга келиб, рўзгор юмушларини тезгина бажариб, болаларим беқор юрмасликлари учун ишларни тақсимлаб кетардим. Ҳовлимиз четига томорқани уч қисмга бўлиб, уч боламга алоҳида ер ажратиб берганман. Ҳар ким ёқтирган экинини экиб, ўзинча деҳқончилик қилди. Мен фақат уларга ўргатиб, ёрдамлашиб турардим.

Ҳозир айрим ота-оналар фарзандлар тарбиясига ташқи муҳитнинг таъсири кучли бўлаётганидан нолийдим. Компьютер, интернет, мобил телефонларнинг кириб келиши болаларга ёмон таъсир қиляпти, деб бутун айбни техникага ағдаради. Менимча фарзанд илк тарбияни аввало ўз ота-онасидан олади. Зотан, қуш уясида кўрганни қилади, деб беқорга айтишмаган. Ўйланг, ота ўлига кечки соат саккиздан кейин кўчада юрмасликни ўқтирса-ю, ўзи уйга алламаҳалда кириб келса... Она қизига ота-онага меҳрибон бўлиш керак деб жавраса-да, лекин унинг ўзи кексалик қолган қайнона-қайнотасидан хабар олмас. Хўш, бундай фарзандларга ички муҳитнинг таъсири кўпроқми ёки ташқи муҳитнингми? Бугунги кун боласини тарбиялашда ота-оналар хушёр ва зийрак бўлишлари зарур.

— Ўз оилангиз ҳақида ҳам сўзлаб берсангиз.

— Уч нафар фарзандим, етти нафар

Конференция олдидан

неварам бор. Уларни ўқиб-ўрганишлари учун уйимизда барча шароитларни яратиб берганмиз. Яна денг, невараларимни ҳам тез-тез далага юбориб турман. Ҳосил йиғиш вақтида ишчиларга ёрдам беришади. Картошка уруғлари олиб келинганида тозалашади, уни ташшига кўмаклашади. Болаларни ёшлигидан чиниқтириб, меҳнат билан тарбиялаш келажақда яхши самара беради.

— Оилани мустаҳкамлаш, муқаддас кўрғон деб аталмиш бу муборак гўшанинг тинч-тотувлигини таъминлаш осон деб ўйлайсизми?

— Албатта, йўқ. Оддий мисол, айрим эркаклар оила қурғач, аёлига уйда ўтириб, фарзандлар тарбияси билан шуғулланиш талабини қўяди. Аммо бу унчалик тўғри йўл эмас. Негаки, шу сабабли кўплаб аёллар жамият ва давлатга имконият даражасида наф келтиролмайдилар. Ўз ҳаётим мисолида айтиладиган бўлсам, касбим туфайли қанча дўстлар орттирдим, тажриба ўргандим, билимларимни оширдим. Эл орасида хурмат, эъзозга сазовор бўлдим. Буларнинг барчасига турмуш ўртоғимни мени тўғри тушуниши, қўллаб-қувватлаши туфайли эришдим. Баъзида иш юзасидан турли тadbирларда иштирок этаман. Йигим-терим пайтида тонг саҳарлаб далага кетаман. Чунки пишиб етилган ҳосилларни вақтида териб олинмаса нобуд бўлиши, меҳнатимизга қуйиб қолишимиз мумкин. Шу сабаб кеч тушганда уйга қайтаман. Поччангиз билан турмуш қурганимизга 45 йилдан ошди. Шунча йилни мен бир дақиқасини ҳам беҳудага сарфламадим, десам муболага бўлмайди. Ишлашим, эркин меҳнат қилиб, ўз иқтидоримни кўрсатишим учун энг бичинчи ёрдамни шу инсон кўрсатди. Демак, қачонки, эр ва хотин ўртасида ўзаро ҳамжиҳатлик, ишонч бўлсагина, фарзандларингиз қобил, меҳрибон, оқибатли бўлади. Бундай оилани мустаҳкам деса арзийди.

— Ҳам зийли, ҳам замин билан тиллашаётган инсон сифатида юртимиздаги бугунги ўзгаришлар хусусида нима дейсиз?

— Бундай кунларни, давру давронларни сизу бизнинг ота-боболаримиз бир умр орзу қилган. Ҳурлик, истиқлолнинг қадрига етмоқчи биз энди фарзандларимиз юрагига сингдирайлик.

Бир ҳаётим мисолни эшитинг: қаерга меҳмонга борсак, дастлаб бозорга тушамиз. Ҳеч бўлмаса бир кило олма ёки узум сотиб олмасак, кўнглимиз хотиржам бўлмайди. Меҳмон ўз रिки билан келади, деганлари рост. Бугун бозорларимиздаги тўкин-сочинликдан кўнгли йрайди. Бизнинг уйга киравиришдаги мулоҳида, кўрган бўлсангиз, кичкинагина бозорча бор. Ҳасанбойлик деҳқонлар сотиш учун олиб чиққан маҳсулотларни кўриб, Оллоҳга шукрона келтираман. Турмушимиз фаровонлиги, бозорларимизнинг ободлиги — энг аввало, муҳтарам Юртбошимиз раҳнамолигида мамлакатимизда барча соҳаларда олиб борилаётган ишчилар ва истиқболли ислохотлар меваси деб ўйлайман. Насиб этса, Ватанимиз келажаги буюк бўлишига барчамизнинг ишончимиз қомил.

Мен ўзимни энг бахтли аёлман, десам арзийди. Негаки, камтарингина меҳнатим туфайли оиламда, маҳалла-қўй, элур юрт орасида эътибор қозондим. Мустақилликнинг йигирма йиллик кўркак нишон билан тақдирландим, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасида пленум аъзоси эканлигимнинг ўзи ҳам менга янада куч-ғайрат бағишлайди. Тошкент вилоятида турли жабҳаларда меҳнат қилаётган хотин-қизларнинг ўй-қизиқлишлари, интилишлари билан ўртоқлашаман. Уларни ўз тadbиркорлик фаолиятларини йўлга қўйишларида озгина бўлса-да, ҳисса қўшаётганимдан мамнунман.

"Оила ва жамият" муҳбири
Нигора РАҲМОНОВА
сўхбатлашди.

Энимиздаги одамлар

КУЗДА ПИШГАН ЎРИК

Ўлкамизда саховатли олтин кузининг охириги ойи давом этаётди. Ҳадемай ёгин-сочинли кунлар ҳам бошланиб кетади. Ҳозир дастурхонимизга сархил мевалар лиқ тўлган палла. Мева-чева дейсизми, қуритилган маҳсулотларми, хуллас, дунёнинг бирор бир бурчагида топилмайдиган неъматлар бизда муҳайё. Лекин...

Кузда пишган ўрикни ҳеч кўрганмисиз? Ростини, биз ҳам кўрмаган эдик. Бир ҳафта бурун Ангрен шаҳридаги Жигаристон маҳалласида умргузаронлик қилаётган Ашурбой ота Холматовнинг ҳовлисида ялтираб турган ўрикларга кўзимиз тушиб ҳайратда қолдик.

— Бизнинг заминга Оллоҳнинг назари тушган деган гап бежиз айтилмаган, — дейди 76 ёшли Ашурбой ота саватдаги ўрикларга ишора қиларкан. — Бунинг тарихини сўрасангиз, кўп қизиқ. — Ўтган асрнинг 50-йиллари эди. Отам раҳматли мени мана шу қир-адирларга етаклаб келганлар. У вақтларда бу жойлар тош-туپроқли эди. Падали бузруқворим чуқур хаёлга толиб, мана шу туپроқда мевали дарактлар гуллаб бўй чўса, ҳосилга кирса, демаски, менинг умр чирогим ёниб туради, деганлари халигача ёдимда. Минг афсуски, отамга бу жойларнинг обод бўлганини кўриш насиб этмади — айрим галамис кимсалар чақуви билан "қулоқ" деган ном олиб қамалиб кетдилар. Ўшанда 18 ёшимда кўмир қонига ишга киришга мажбур бўлдим. Шахтада ишлаш осон кечмаган.


Ҳа, одамнинг номи бир ёмонга чиқмасин экан. Бўйим етиб қолган. Онам раҳматли бўзчининг моқисидай совчиликка чолади. Ҳеч ким "қулоқ"нинг боласига қиз бермайди. Ахийри бир куни онам хушхабар билан келди. Ававалига ўчоқ бошида роса йиғлади. Менинг бир четда кузатиб турганимни сездими-сезмадим, билмадим, оловнинг тутунидан кўзи ёшланганини баҳона қилди. Ихчамгани тўй бўлиб ўтди. Шундай қилиб, Мубина-

ЭХУД АНГРЕНЛИК АШУРБОЙ ОТА ХОЛМАТОВНИНГ
ҲАЙРАТЛИ ҲИКОЯЛАРИ

ни чимилдикда кўрдим. Мана шунга ҳам 50 йилдан ош и б д и. Аёлим бирор марта ба кўзимга боқиб, ноҳя сўз айтмади. Ишдан бўш пайтларим бир қарич бўлса-да, ер очиб кўчат ўт қ а з и ш га ошиқардим. Кейинчалик бу ишим ҳаётим мазмунига айланди.

Биласиз, шахтада ишлаш жуда хавфли ва машаққатли. Бир куни икки шеригим билан ер остидagi кичик кўчки остида қолиб кетсак, денг. Кўзимни очсам, шифохонада ётибман. Икки шеригимнинг эса шифохонага етмасдан жони узилибди. Менинг эса на бўйим, на икки оёғим ҳаракатланади. Шу алпозда уч йил тўшақда ётдим. Беш бола билан аёлимга жуда оғир бўлди. Аста-секин тиззалаб юришни ўрганиб, катта ўғлим Тоҳир билан Қурама тоғлари бағрида судрала-судрала пода боқдим. Ишонасизми, шифтга боқиб ётган кезларимда бир тўш такрор-такрор кўрардим. Отамнинг қўлида кетмон, менинг қўлимда кўчат. Бу тушнинг хосиятини кейинчалик англаб етдим.

— Инсоннинг тақдири қизиқ экан-да. Хали айтдим, тиззалаб юриб мол-қўй боқаман. Тоғдаги турли ўт-ғиёҳлардан дамлама тайёрлаб ичаман. Минг шукрки, Яратганнинг инояти билан оёққа турдим. Тоғ бағрида бир ўрик дарахти бор эди. Августнинг охирида гул-



лаб, октябрь ойининг бошида пишарди. Ҳосили бир оз камроқ бўларди. Шу ерда ана шу ўрикни кўпайтиришни ният қилдим. Ишонсангиз, шу олти-тагина йилнинг ўстириш учун қанча йилларнинг чиғиригидан ўтишимга тўғри келди. Ҳар кун тонгда пода боқишга отланарканман, аёлим ва болаларимга эккан ниҳолларим сувсиз қолиб кетмаслигини тайинлардим. Мубина холангиз икки кўлида челақ, беш болам ҳам кўтарганича сув идишлари билан икки чакрим пастликдан сув ташийди. Бир куни уйга келсам, аёлим бечора ётибди. Кўчатлар сувсиз қолибди, деган хаёл билан уни қойиб кетибман. Шу лаҳзада мени бир ўй тўхтатди. Бу боғни яшнатиш учун барибир ариқдан оқиб келган сувга етмайди, деган ўй эди. Шунда қандай бўлмасин, бу ерга сув олиб келаман деб аҳд қилдим. Йиллар сабр қосамми гоҳ тўлдириб, гоҳ тўқдириб синди. Ҳар баҳор минг,

икки минг дона кўчат экардим. Топган пулим кўчат олиш ва ер очишга кетарди. Лекин 10-20 фоизига илдиш оларди, холос...

Отахон ёниб, куйиб-пишиб сўзарди. Орадан қанча йиллар ўтибди. Ашурбой ота ўзи, отаси орзу этган ерларда 2002 йили "Мирзали Холматов" хусусий боғдорчилик ва чорвачилик ҳўжалигига асос солди.

— Одамзотнинг табиати қизиқ-да, — дейди отахон кулимсираб. — Ерни ўзлаштириб олаёпти, деган иғво-туҳматлар туфайли кўп бора турли идораларга боришимга тўғри келди. Гоҳида ич-ичимдан эзилиб кетаман. Нима учун инсонлар сен яратган боғ-роғларга қараб ўрнак олиб, фарзандларига ибрат бўлишмайди. Ҳа, улар бир мевали дарахтнинг шу қир-адирларда илдиш олишини бир боланинг униб ўсишидек гаплагини қайданам билишсин.

Ашурбой отанинг бугун 10 гектарлик мевалари шигилланган боғи бор. Маҳалладошлар бу боғда етилган олма, шафтоли, ёнғоқлардан кўнгли истаганича териб олиб кетади. У ўрик, шафтоли, ёнғоқ, бодомларни қуритиб, қишда кам таъминланган оилаларга, саховат ва Меҳрибонлик уйларига, боғчаю мактабларга тарқатишни савоб деб билади.

Сўнги сўз ўрнида:

...Ашурбой ота ўз аҳдиди бузмади. Қурама тоғи этакларидаги бешта булоқ кўзини очиб, охириги уч йил ичидеа боғига сув олиб келди. Айни кунда иккинчи ўғли Абдулазиз ота изидан бориб, тўқайзор ва адирлардан ер очиб, кўчат ўстирмоқда. Бугунги кунда Мубина опа ва Ашурбой ота 23 неварга, 21 нафар чеваралари ардоғида. Энг қизиғи, Ашурбой отанинг куз ўрта-сида пишадиган ўригини еганлар дармонда, емаганлар эса армонда.

Нигора ўРОЛОВА,
"Оила ва жамият" муҳбири.
Тошкент вилояти.



ШОВВА — сувнинг баландликдан куч билан отилиб тушадиган жойи, шаршара "шовва" сўзи билан ифодаланади. Бу сўзнинг товушга тақлиддан ҳосил бўлгани кўриниб турибди.

Собир шимининг почаларини тўпигигача шимариб, оёғини шовва сувига ботириб ўтираркан, гоз қараш қилиб қўйди.

Журналдан

ШОВВОЗ — бу сўзни тилимизда кўп ишлатамиз. Кимнидир мақтамоқчи бўлса ҳам "Шоввоз йигит" деймиз. "Шоввоз" сўзи асли "лочин" деган маънони англатиб, бу сўз "Шаҳбоз" сўзи билан бир хил илдишга эга.

Бўш келманлар, йигитлар, уравринлар, шоввозлар!

Ойбек. "Танланган асарлар"дан

ШЛАНГ — тилимизда резина ёки сув ўтказмайдиган материалдан ясалган эгиловчан қувур маъносини билдирган "шланг", "шланка" сўзи асли немис тилидан кириб келган бўлиб, унинг туб илдизи "илон" деган маънони англатади. Шунингдек, "шланг" сўзини асли қадимий тилимиздаги "жилон" сўзидан пайдо бўлиб бошқа тилларга ўтиб кетган ва "шланг" шаклида қайтиб келган деган фаразлар ҳам мавжуд.

Шлангдан вариллаб келиб турган сув бирпасда ҳовузчани тўлдириди.

Саид Аҳмад

ЧАКАНА — бу сўзнинг туб илдизи "бўлак", "майда", "қисм" каби маъноларни англатади. "Чакана" сўзи тилимизда "доналаб, қисмма-қисм сотиладиган" деган мазмунни ифодалаб келади. Шунингдек тилимизда "чакана эмас" деган ибора ҳам ишлатилиб, у "майда-чўйда эмас" деган маънони билдиради. Бундан ташқари "чакана" сўзи майда чорва моллари — қўй эчки ва аҳолига тегишли шундай молларни боқувчи мазмуни ҳам ифодалайди.

Абдураим ака пахса уришда чакана эмасди.

Журналдан

Эшқобил ШУКУР тайёрлади.

АЙРИЛИШ БЕЛГИСИ

Сен менинг ҳаётимга кириб келган илк айрилиш белгиси одамсан. Бу белгини учратмаслик учун бир умр йўл босдим. Оёқларим оғирроқ, кўлларим қатқалоқ бўлди. Бироқ бу белги кириб келаверди, ўнгимдан ҳам, сўлимдан ҳам. У зирак учун ҳозирланган қулоқ тешигимга ўзини осди. Кейин эса дуч келган сўзга соясини тикаверди. Соя қулоқ гуллар дўқонини очди аксининг муолишида. Унинг сояларини чизиб, ўйин ўйлаб топардим. Кўзларимнинг қорамтир оғриқли ҳафсаласига берилиб кетардим. Ва ҳар бир сўзга айриш белгиси бўлган айрилиш белгисини олиб чиқардим. Мана масалан: севаман, соғиндим, қиёматлигим, номуносибим. Дунёнинг бори айрилиш белгилари хонамда жамулжам эди. Юрагимда қуръа ташлашади. Оғирроқ Бахтининг аламзада, бошқоронгу оқшомда учмаётган юлдузларни санаб ўтирардим. Шўппа-шўр кўз ёшга бошқоронгу бўлган белгимнинг қисмати.

Мана айрилиш белгиси билан опа-сингил тутинганимизнинг уч юзу эллик тўққизинчи куни... Юрагимни тушуниш бўйича белгим ягона сулув. Табассумлари қанчалар заиф бўлмасин, мен уни руҳлантирардим-руҳлантирардим. Ичкарида мангу зах босиб ётган кўнгли чохларимнинг тубларини, араларимнинг илдишларини, пешонанининг узук чизикларини панжаралаб

чиқардим. Тонг ёришганда эса жойидан қимирлатувчилик вазифасини ўташга киришардим. Айрилиш белгисидан айрилмасликка сўз бердим бугун! Энди у менинг хос белгимга айланди. Ана шу ўйда турарканман, юрагимнинг у бошидан бу бошига илинган узун дор бир силтанди-у узилди. Эҳ-ҳе, қанчалар қирлар ювиб илинган эди дорга. Пайпоқлар ифори юрагимга ерпалос бўлиб тўқилди. Ҳамма пайпоқларнинг ички томони ташқарига ағдарилган, муздай сувнинг хиди келарди улардан. Юрагимнинг айланаётган ерига тўқилган қирларнинг ҳаммаси чангга беланди.

Баҳор кунларининг яшил оёқ излари тушган палла. Дерезани очилиш билан яшил ушшоқлар ёприлиб кирди. Шоша-пиша яшил ушшоқларни йиғишга тушиб кетдим. Этакларим тўлиб тошди, уринган ва суринган, манглайи гурра ушшоқларга. Уларни қадоқлаб бекитиб қўйдим супа остига.

Ҳаёт қисқа вақт ичидеа мендай айрилиш белгилари жудаликка кўнликди. Идишларнинг шарақ-шуруқли, қайрилган шохларнинг ғамли, гугурт доналарининг чирсиллаган, юраги тўққизинчи қават дерезасидан тушиб кетган Кўникишдан томоғим оғрий бошлади. Муз қўшиқ тўхтаб қолди лунжимда. Синган аёлимнинг мунгли қўшиғи учиб юрибди ҳовлида. Бу қўшиқни эшитмаслик учун қулоқларимни беки-

Рухият тилсими

тиб оламан, кўрпанинг тағига беркинаман. Бармоқларимнинг қисирлашини, оёқларимни силаётган сувнинг шовуллашини, кўзларим қорасини ювиб тушган оппоқ томчиларнинг қорақирганча кузатаман япалоқ оламини. Ясси гуссаларга ўхшаб қўринади гир атрофмағиз қаҳқаҳасини кузатаман. Ҳаммасига ямоқ тушган. Ямоқ тушган гўнча қўшни гулзордаги гулга сўкилган чокларидан ифор жўнатади.

Ҳар куни-ҳар куни нондай кўтариб юрибман маъсум белгини. Чунки угина ҳаётимнинг ярқирок айланасини чизиб бера олди. Унга термулиб томирларим бўйлаб эсаётган ниматир шабдадан хис қиламан. Тиз чўкиб ялинаман шаббодага, бўғзимни қитқилган юввош лаҳзани ачомлаб оламан. Ҳаммасини ўзгартириб юборгим келади: туйғуларим аор гулллаб ёғаётган қорларни, томирларим бўйлаб югуриб мени тинсиз исканжага олаётган безовталиқни, юрагимда узала тушганча узилиб ётган дорни, пешонамнинг гадир-будир чизикларини... Эплотмайман.

Кўзларига яна мўлтиллаб қарайман уларнинг. Бахтиёр бир белгини қашф этгим келади. Бироқ менинг тилим юмшатиш белгисиз тил эканлигини ўйлаб, ҳовурим босилади. Ҳайтовур, айрилиш бўлса-да белгим бор-ку ахир! Яшасин, АЙРИЛИШ БЕЛГИСИ!

Гўзал БЕГИМ

ОИЛА ФАРИШТАСИ, ЖАМОАНИНГ ҚОШУ КЎЗИ

Замондошларимиз



Аёлни ойда, унинг чексиз меҳр-мухаббатини эса қўб-нинг беқиёс нурларига, иссиқ тафтига менгашади. Бунинг замирида йиллар синовидан ўтган ҳақиқат мужассам. Зотан у ой бўлиб ўзининг қадрдон оиласи, яқин жигаргўшалари қалбини ёритса, қуёш бўлиб уларга меҳр нурларини бахшида этади. Албатта ҳар икки ҳолатда ҳам унинг фидойилигини чин дилдан ҳис қиласиз.

Бугунги лавҳамиз қахрамони Кимёхон Шокирова ҳам бахту саодатини энг аввало, ўз оиласи, қолаверса, жамият тараққиётига бахшида этган инсонлардан бири. У ўрта мактабни тугатгач, бир дунё орзулар билан отаси Сайфуддин ака ва онаси Унсунхон аяларнинг қўллаб-қувватлаши ва маслаҳати билан Андижон давлат тиббиёт институтига ҳужжатларини топшириб, имтиҳонларни аъло баҳоларга топширди. Шундай қилиб, унинг тақдирини тиббиёт билан боғланди. Ўзи нозиккина бўлса-да, қатъиятли ва бир сўзли қизгина бирпасда институтда ҳам барчаннинг эътиборига тушди. Тинмай мутолаа қилишлар, изланишлар бесағар кетмади. Кимёхон олий даргоҳни муваффақиятли аяқлаб, Тошкент вилояти ҳудудида жойлашган "Ботаника" санаторийсида ишлаш учун йўланма берилди. Доим табассум билан муомала қилувчи шифокор қиз каттаю кичикка ёқиб қолди. У бе-

морларни авваломбор самимиюлиги, ширин суҳани билан даволаш кераклигини чуқур тушунар, руҳиятини соғломлаштириб, кейингина дори-дармонлар билан муолажага ўтарди. Ҳалигача Кимёхондан шифо толган инсонларнинг йиллар ўтса-да, ҳамон у билан салом-алик, борди-келдини узмагани унинг ўз касбини ардоқлаётганидан нишонандир.

Ўтган йиллар, масъулиятли синовлар унинг учун ўзига хос мактаб вазифасини ўтади. У кейинчалик Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги 52-оилавий поликлиникага врач-терапевт бўлиб ишга ўтганидан сўнг янада жиддийроқ ишлаши кераклигини англади. Шу орада Кимёхон опа даволаш ишлари бўйича бош врач ўринбосари, 1988 йилдан буён эса бош шифокор вазифасида хизмат қилиб келмоқда.

У ўзи ишлаган даврда изланувчан раҳбар сифатида тиббиётда қўлланилаётган янгиликларни имкон қадар поликлиникада ҳам жорий этишга ҳаракат қилди. Замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари билан жиҳозлашга уринди. 20 ўринли кундузги шифохона ташкил этилди. Шунингдек, муассасада Давлат дастурлари ижросини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилиб, илгор тажрибалар — ташхислаш, даволаш ва меҳнатни ташкил қилишнинг янги усулларини амалиётга жорий этишга муваффақ

бўлди. Касали аниқланган беморларни даволаш ва назорат қилиш, юқумли касалликларнинг олдини олиш, туғиш ёшидаги аёлларни тиббий кўриқдан ўтказиш каби долзарб масалаларга ечим изланди.

Кимёхон Шокированинг қабулхонаси ҳамisha гавжум. Эътиборли жиҳати, тажрибали тиббиётчи 2009 йилдан буён икки марта Тошкент шаҳар кенгаши депутатиликка сайланди. Опа ўз ҳузурига умид билан келганларни ҳеч қачон норизо қилмаган, қўлдан келгунча барчасининг кўнглини олишга, ҳар қандай вазиятда ҳам муаммоларни ижобий ҳал қилишга интилади. Шунингдек, поликлиника хизмат кўрсатаётган ҳудудга қарашли маҳаллалар оқсоқоллари, хотин-қизлар кенгашлари раислари ва фаоллари билан аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, уларнинг тиббий маданиятини ошириш, оналар ва болалар ўлимнинг олдини олиш мақсадида тадбирлар, суҳбатлар ўтказишга бош-қош бўлиб келаётир.

Дарвоқе, Кимёхон опа нафақат ўзи ишлаётган жамоада, балки ҳар қандай вазиятда бир-бирига меҳр-оқибат кўрсатишга қодир бўлган маҳалласида ҳам обрў-эътибор қозонган. У каттаю-кичикка бир хил муомалада бўлади, имкони етгунча кўмак беришга шошилади. Шунинг учун бу оилани ҳамма хурмат қилади. Бу хонадонда санъат ва адабиёт билан бирга, тиббиёт соҳасида давом этадиган қизиқарли суҳбат-мунозаралар кўпчилигининг ҳавасини келтирди. Эл орасида ўзининг соҳир овози ва гармонда чалган дилтортаб қуйлари билан танилган Муҳаммадҷон Шокиров Кимёхон опанинг суянчиғи, дилкаш умр йўлдоши. Уларнинг дилбанди Нилуфархон эса ўз соҳасининг зукко билимдонини — малакали итисодчи.

Бир сўз билан айтганда, аёл — яратувчи, нафосат ва гўзаллик элчиси, хонадонлар фариштаси, фарзандларимизнинг сукули тарбиячиси... Бу таърифу тавсифлар Кимёхон опага ўшшаган фидойи ва заҳматқаш инсонларга ярашади.

Санобар ФАХРИДДИНОВА.

Мулоҳаза

БАХТ МАНЗИЛИ ҚАЕРДА?

Севимли ёзувчимиз Ўткир Ҳошимовнинг "Дафтар хошиясидаги битиклар" асариди шундай сўзлар бор: "Эрталаб турганинда, кундузи юрганганда, кечаси ухлаганинда ҳеч қаеринг оғримаса, шунинг ўзи бахт!" Ҳақ гап. Соғлиқ катта бойлик, улкан бахтдир. Кўзининг гавҳари бебаҳо оломдир. Табиатнинг муаттар бўйларидан бахраманд бўла олмақлик, фарзанднинг жажжи қўлларидан тутиб суймоқлик, унинг қиқирлаб қулишини эшита олмақлик, елканга даст кўтариб ҳовлини айлантира олмақлик — бахт. Ҳеч кимга муҳтож бўлмай, ўз юкингни ўзинг кўтармоғинг — бахт. Юрагинга яқин инсонларнинг борлигини, саломат эканлигини билмоғинг — бахт. Оилангнинг тинчлиги, туюлтиги, яқинларингнинг сендан розилиги ҳам олий бахт.

Бахтни ҳар ким турлича тасаввур этади. Нега шундай? "Заковат" телеўйинида билимдонларга шундай савол берилгани эсимдан: "Одамнинг жони қаерида бўлади?" Жавоб: "Тананинг оғриётган ерида". Одамзотнинг бахти ҳам унинг наздида ўзи учун "оғрикли" бўлган жойда бўлса эҳтимол. Инсонга нима етишмаса, шу нарса унинг учун орзуга айланади. Шу орзуга етмоқлик унга бахт олиб келади. Ҳар кимнинг орзуси эса турлича.

Дарвоқе, оғрикли жой... Хом сут эмган бандаларимиз-да. Бизга инъом этилган неъматлар қадрига кеч етамиз. Бирор бебошликка қўл уриб қўямиз-у, хато қилганимизни англаб, афсус-надоматга хотиржамлигимизни алмашиб қўямиз. Кўнгил ҳаловати ўрнини эгаллаб олган ташвиш, армонини ҳам оғрик жойимиз бўлади. Ва шу дамда аввалги тинч кунга, бахтли дамларга қайтмоқликни истаб қоламиз.

Табиатда ҳеч бир гиёҳ, жонзот бекорга яратилмаганлиги, ҳар қайсининг қандайдир фойдали хислати бўлгани каби, ҳаёт йўлларимизда дуч келадиган муаммоларини, ташвиш-омушларимиз, ҳатто хатоларимизнинг ҳам ўз аҳамияти бор. Аслида буларнинг барчаси Ҳаёт аталмиш муаллимнинг бизга берган бебаҳо сабоқлари, дарслари десак, хато бўлмайди. Шу ўғитлар орқали яшашнинг асл моҳиятини англаб, ўз-ўзимизни бошқармоқни, тўғри хулоса қила билмоқни, жумбоқларга жавоб топомқни ўрганамиз — улғаймиш!

Ҳаёт имтиҳонларидан эсон-омон, кўнгилда битмас жароҳат қолдирмасдан ўта олмақлик эса ҳақиқий БАХТ эмасми?!

Зилола ХУДОЙБЕРДИЕВА,
ЎЗДЖТУ халқаро журналистика
факультети талабаси.

Ҳуқуқ

УЙ-ЖОЙ ИЖРАСИ

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 573-моддасига асосан бино ва иншоотни ижарага бериш шартномаси бўйича ижарага берувчи ижарага олувчига бино ёки иншоотни вақтинча эгаллик қилиш ва фойдаланиш ёхуд вақтинча фойдаланиш учун топшириш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 600-модда Уй-жой кодексининг 36-моддасига асосан уй-жойни ижарага бериш шартномасига биноан бир тараф уй-жойни мулкдор ёки у ваколат берган шахс (ижарага берувчи) бошқа тараф (ижарага олувчи) га уй-жойда яшаш учун ҳақ эвазига эгаллик қилиш ва фойдаланишга топшириш мажбуриятини олиши белгиланган бўлиб, ҳар икки тўрадаги шартномалар ҳам ёзма шаклда тузилиб, нотариал тасдиқлашни талаб қилмас эди.

2011 йил 30 декабрда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонуни муносабати билан Фуқаролик кодексининг 574-моддасига "Фуқаролар ўртасида тузилган бино ёки иншоотни ёхуд унинг бир қисмини ижарага бериш шартномаси нотариал тасдиқланган бўлиши кераклиги", шунингдек, Фуқаролик кодексининг 603-моддаси 2-қисмига ва Уй-жой кодексининг 86-моддасига киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларга кўра, фуқаролар ўртасида тузилган уй-жойни ижарага бериш шартномаси нотариал тасдиқлашни белгилаб қўйилди. Шу ўринда ушбу қонун талабларини бажармаслик учун маъмурий жавобгарликка тортиш ҳақидаги ҳуқуқий нормани ҳам эслатиб ўтиш жоиз.

«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонуни қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Мазмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига янги 159-1-модда фуқаролар ўртасида бинони, иншоотни ёки уларнинг бир қисмини, турар жойни ижарага бериш шартномасининг мавжуд эмаслиги ёхуд ижарага бериш шартномасининг мажбурий нотариал тасдиқлашига риоя қилмаслик учун алоҳида жавобгарлик белгиланиб, унга кўра энг кам ойлик иш ҳақини беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлиши белгиланган.

Қонун талабларига кўра, кўчмас мулк билан боғлиқ ижара муносабатлари субъектларнинг ҳуқуқларини белгилаш билан бир қаторда ушбу турдаги шартномалар тузишни аниқ белгилабгина қолмай, балки ушбу қонун ҳужжатларига риоя қилмаслик учун тегишли жавобгарлик ҳам белгилаб берилди.

Лазизбек ФУЛОМОВ,
Фаргона вилояти Қувасой шаҳар ДНИ нотариуси.

РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА

«ЎКТАМХОН-НУР» ўқув маркази

куйидаги ўқув курсларига тақлиф этади:

Тикувчилик — 3 ой, бошловчилар — 6 ой.
Тўй ва оқшом либослари — 1-2 ой.
Аёллар костюм-шим, плаш-пальто — 1-2 ой.
Ҳамшира — 6 ой, 4 ойи ўқиш, 2 ойи амалиёт.
Ҳамшира (тезор) — 3-4 ой (амалиёт билан).
Тиббий массаж — 2 ой. Нўқтали — 1 ой.
Торт ва пиширилган — 2 ой.
Торт олий курси — 1 ой.
Уйғур, Европа таом ва салатлари — 1 ой.
Аёллар сартарошлиғи — 3 ой.
Тўй ва оқшом турмаклари ва макياج — 1 ой.
Бухгалтерия ҳисоби — 3 ой.
Элита парда ва чойшаблар тикиш — 1 ой.
Элита парда ва чойшаблар тикиш олий курси — 1 ой.

Сартарошлик — 2-3 ой (ўғил болалар учун).
Гўзаллик салонига тайёрлаш — 1 ой.
Каштачилик — 3 ой (машинада вышивка).
Тўкувчилик — 2-3 ой.
Инглиз тили — 3 ой, Рус тили — 3 ой.
Бисер, яъни мунчоқ тикиш — 2 ой.
Декоратив гул, сарпо қўти ва саватлар ясаш — 2 ой, Бисердан гуллар, дарахтлар ясаш — 2 ой.
Карвинг (мева ва сабзавотлардан композиция ясаш) — 3 ой.
Компьютер сабоқлари — 2 ой, Интернет — 1 ой.

Барчаси амалиёт билан
Ётоқхона мавжуд.

Ўқишни тугатганларга ДИПЛОМ берилади.

МАНЗИЛ: Юнусобод тумани 3-мавзе 1-уй 31-хона.
МУЎЛАЖ: Юнусобод дехқон бозори бош тарафи орқасида.

Тел: (8 371) 221-17-95, 221-77-72, +99894 678-50-30 225-97-93 (18⁰⁰ дан 22⁰⁰ гача).
ФИЛИАЛ МАНЗИЛИ: Ҳамза тумани Фаргона йули кучаси 4-уй 40-хона. МУЎЛАЖ: Куйлик кийим бозори рўпарасида.
ТЕЛ: (8371) 295-97-82, +99894 678-50-30 (кундузи)

Бу одам билан касалхона ховлисида танишдик. У элликларни қоралаган, ўрта бўйли, этликина эди. Калласи катта, кўнгиртоб жингала сочларига қумуш оралаган. Қовоқлари салқин, кўзлари ҳозиргина йиғлаган ёки бир неча кун уйқудан қолган кишининг кўзларини эслатарди.

Биласиз, шифохонада нима кўп, бекорчи вақт кўп. Дори-дармондан кейин одамлар ёпирилиб ҳовлига чиқашди. Хар ерга тўп-тўп бўлиб ўтириб, кунни кеч қилиш пайига тушади. Биров шахмат ўйнайди, биров нард, маҳмаданроқ бирор кимса бошидан ўтган сарғу-заштларини айтиб, ўзининг ва бошқаларнинг вақтини чоғ қилади. Ишдан, оиладан, об-хаводан, сиёсатдан гап кетади. Аммо менинг танишим бунақа гурунглاردан холи эди. У одамларга қўшилмас, кўпинча бир чеккага бориб, ёлғиз ўзи курсида сўппайиб ўтирарди. Ёки кўлларини орқасига чалиштирганча наридан-бери кезади. У танхоликни ёқтирар, бу эса бизга ёқмас, одамлар билан мулоқотга киришмас, бу ҳам гашимизни келтирарди. Аввалига уни такаббурга чиқардик. «Намунча энди, Афлотун бўлганда ҳам! Касалхонада шоху гадо баробар! Ана, генерал ҳам юрибди-ку, қўлини кўксига қўйиб. Бирам камсуқум, соддагина...»

Кимдир уни оқлаган бўлди: «Касал-да бечора. Асаби чатоққа ўхшайди. Кўзларига қарадинглари, бир галаги, нури йўқ, қачон кўрсанг — ҳасрат ёғилиб тургандай. Шунча кун бадалига кулганини кўрмадим. Касал одамдан гина қилиш керак эмас».

Хуллас, Номаялум кишининг хатти-ҳаракатлари, ўзини туттиши биз учун жумбоқ эди. Ногоҳ бир тасодиф бўлмаганда бу одамнинг бошидан кечган дахшати воқеадан беҳабар қолар эканмиз.

Бир куни уч-тўртта бўлиб қари арча тағидаги узунчоқ курсида хангомалашиб ўтирган эдик. Ичкерида халиги киши чиқди. У эшик олдидаги темир оёқли креслони кўтарди-ю биздан йиғирма қадамча нарига бориб ўтирди. Шу пайт унинг олдида соқоли кўксига тушган барваста чол келди-да, жим таъзим қилиб нимадир деди. У ирғиб ўрнидан турди. У гўё оғир жиноят қилиб қочиб юрган ва ҳозир гувоҳига йўлққан кимсадек довдираб қолди. Орадан бир дақиқа ҳам ўтмади. Танишим чўрт бурилди-ю, чолни анграйтганча кўлларини тез-тез силтаб, боғ ичига шўнғиди. Таъзимим ортди. Беихтиёр ўрнимдан туриб, унинг ортидан эргашдим.

Касалхонанинг ички, ташқи ховлиси бор. Ташқи ховлини чуқур анҳор кесиб ўтади. Анҳор бўйига ёш дарахтлар, аксар жийда ўтказилган. Бу ер жуда баҳаво, тинч. Тўпқандан майса. Сувлар шилдираши, қушлар чуғури, энди кийгос гуллаётган жийда атри баҳри дилинган очади. Биз ўзимизча бу ерга «кислород йўлакча» деб ном қўйиб олганмиз.

Қарасам, танишим ўша жойдаги якка-ёлғиз скамейкада ўтирарди. Эгилган бошини чангаллаб олган. Секин ёнига бориб ўтирдим. У парво ҳам қилмади. Анчадан кейин калласини кўтарди. Мени энди пайқадим чоғи, ёқтириқирамай афтимга боқди-ю, юзини бурди. Саломимга алик ҳам олмади.

Тек ўтиравердим. Рўпарамиздаги баланд оқ теракнинг айри шохига бир қуш уя қўйибди. Дўппидек кулранг хор-хас ичида полопонларнинг чирқиллагани эшитилади. Ҳамроҳимга назар солдим. У ҳам уяга тикилиб турган экан. Юзларида хайрат, завққа ўхшаган самимий бир ифода.

— Қаранг, табиат ажойиб-да, — дедим беихтиёр, — ана шу мушздай қушга ҳам буюк бир меҳр ато қилган.

— Афууски, шу меҳрдан биз гоҳо бебахрамиз, биродар...

— Тўғри айтасиз, ака, — дедим суҳбат очилганига суюниб, — бераҳм, бағритош одамлар кўп. Ҳатто ота-онасини хор қилиб қўйган кимсаларни эшитиб ёқа ўшлайсиз. Энг ажабланидиган ери шундаки, бунақа ёвуз қилиқ кўпчина ўқиган, бировларга ақл ўргатадиган, туппа-тузук жойда ишлайдиган

Бировларни инсоф ва диёнатга, қаноат ва мурувватга, одамийлик ва софдилликка ундайман. Ёшларга насиҳат қиламан. Аждодларнинг руҳи покини муқаддас сақлаш, тирикларнинг қадрига етиш, имону эътиқодни сарбаланд туттиш, хою хавасга берилмаслик, юксак идеалларга интилиш, оилада фароғат, муҳаббатда вафо, дўстликда садоқат ҳақида гапириб чарчамайман. Телевизорда чиқиб тураман. Газеталарга мақола ҳам ёзмаман. Хуллас, бир қарашда расаматли арбобман. Бир қарашда кам-кўстим йўқдай: обрў ҳам, мол-дунё ҳам, дўст-ёру муҳлис ҳам, шогирд ҳам — барчаси етарлидай. Кўчада дўппимни дол қўйиб юрсам ҳаққим бордай. Аммо...

Юролмайман. Кўксимда

ган эшак... дейшингиз ҳам мумкин. Ихтиёрингиз. Аммо, яна бир соат кулофингизни қарзга бериб турасиз. Қопнинг оғзи энди очилди. Дардимни тўкиб олишим керак. Сизнинг ҳукмингиз мени қизиқтирмайди. Мен аллақачон ўзимга-ўзим ҳукм ўқиб қўйганман.

Шундай қилиб, отамни уйдан бадарга қилдим. Савол бергани оғиз жуфтлаб турибсиз. «Отангиз бедаво даргда чалинганмиди, феъли ёмонмиди, уйдагиларга тинчлик бермасмиди, маҳалла ундан безормиди ва ҳоказо», демоқчисиз. Тўғрими? Йўқ, отам соппа-соғ эди, саксон ёшни қоралаб қолган бўлса-да, ўз хожатига ўзи яради. Юмшоқ кўнгли, содда, бировга зиёни тегмайдиган беозор эди. Беш вақт намози-

бошлаб келди, елди-югурди, бировларга ёлворди, хуллас, бир илож қилиб мени ўқишга жойлаштирди.

Сағирлик жонимдан ўтганим ё отамнинг мени катта қилгунча чеккан азаблари ёдимда эдим, ишқилиб, яхши ўқидим. Отам ўзи емай, едирди, киймай кийдириди. У киши ҳар икки гапнинг бирида: «Болам, сенга қолдирадиган меросим йўқ. Кўзим очигида ўқиб илмлик бўлиб олсанг бўлгани. Етимчиликда биз ўқий олмадик, сен ўқи. Эл-юртнинг назарига юргангини кўриб, ўлсам бас, армонсиз ўтаман», дерди.

Институтни аъло баҳоларга битирдим. Диплом олиб, қишлоғимга учдим. «Энди ўзимни аъмай ишлайман, отамга қўлқанот бўламан, дердим ичимда, уйимизни тузатаман, отамнинг машаққатларини унут қилдираман, тўрга ўтқазиб қўйиб, ҳурматини қиламан. Ахир, дунёга келиб нима кўрди?»

Бир йилча тиним билмай ишладим. Кейин институтда ўқитган домлам чақиртирди. Бордим. «Сизни олимлар қаторига қўшмоқчиман, ўғлим, деди, илгаридан илмга ўқувингиз бор эди. Ўзим аспирантурага киришти қўяман. Ўзим илмий раҳбарингиз бўламан. Нима дейсиз?» Иккиландим. Домла республикага таниқли профессор эди. Унга шогирд бўлишни орзу қилиб юрганлар озмунча эмас. Кўнглим суст кетди. Бироқ қишлоқда қариб бораётган отамни ўйладим, рўйхуш бермадим. Отам эса, бу фикрни эшитиб дарров рози бўлди. «Домланг оталик қилмоқчи бўлибди, аллома экан. Улуғларнинг этагидан тутсанг кам бўлмайсан, болам. Мени ўйлама, ҳудого шуқур, тўрт мушам соғ, куним ўтиб турибди. Опаларинг бор, хабар олиб туришар. Сен ўқи, фалончи сувчининг ўғли Ташкентда катта олим бўлиб ишлар экан, деган гап менга ётсам тўшақ, сунясам ҳасса, болам».

Уч йил қандай ўтганим сезмадим. Домланнинг уйидан бери келмай қўйдим. Кутубхонадан чиқмайман. Қишлоққа ҳам қандам-кам бораман. Тобора дала ишига ярамай қолаётган отамни кўриб эзилман, битказган илмий ишимни ўйлаб суюнаман, ўзимга таскин бераман.

Домла менга чинакам оталик қилди. Уч йилу уч ой деганда номзод бўлдим. Диссертацияни ювгани кичкина залга тўпландик. Ўша куни тўйимиз ҳам бўлди. Йўқ, мен домланнинг кенжа қизига уйланмадим. Анча обрўли бир амалдорга-куёв бўлдим. Тўйга отам, опаларим келишди. Отам тортиниб тўрга ўтмади, ўқиган ўғил отадан улғу деб пойгакча сурилаварди. Домлам уни қўлтиқлаб ёнига олиб ўтирди.

Эрта кулмаган кеч кулар, кеч кулмаган ҳеч кулмас дейдилар. Машҳур профессорнинг шогирдиги эканлигим асосидими, «фалончиева куёв-лғимими, ё ўзимнинг меҳнатларимми, ишқилиб омадим келди. Илмий доираларда номим чиқиб қолди.

Домла деган тахаллус олдим. Қайнотам ёрдамида дон-ғиллама уй солдим, мартаба пиллапоясидан аста-секин юқориладим. Ниҳоят, мана сиз кўриб турган даражага етдим. Ван докторимини. Унволарим етарли. Турли хил коммиссиялар аъзосиман. Улкан бир жамоага бошман. Уч боланинг отасиман ва... отасини қўчага ҳайдаб солган оқпадарман!

(Давоми келгуси сонда)

Саъдулла СИЁЕВ



ГАВҲАР ЙЎҚОТГАН ГҲМРОҲ

ЁХУД ОҚПАДАР ЎҒИЛ ИҚРОРНОМАСИ

кишилاردан чиқаяпти.

Ҳамроҳим салпчиб тушди. Менга еб қўйгудек бўлиб қаради. Йирик кўзлари ғазабнок чакнади. Оғир пишиллади. Узун ух тортиди.

— Сиз... мендан ҳам бешафқат экансиз, — деди гижиниб, — кейин гап беришни ҳам, гап тинглашни ҳам хуш кўрмайдиганга ўхшайсиз. Ярамга туз сепдингиз. Энди ёрилмасам бўлмайди. Юрагим зардобга тўлиб кетди. Дардимни тўкмасам, бу зардоб бутун вужудимга ёйилиб, мени бир ёқлик қилиши мумкин.

Ҳамроҳимнинг нафаси чиқмай қолди. Мен шобиш узр сўраган бўлдим.

— Кечирасиз, ака, мен шунчаки... умуман гапирдим. Сизга тегиб кетган бўлса...

— Бўпти. Сентиментализмни бас қилайлик, — деди у жерккан товушда, — парда кўтарилди. Энди мен сизга фожиами шарҳлай қолай. Фақат битта илтимос. «Нега? Иннай-кейин?» деб сўрамайсиз.

— Ҳали сиз айтган «ёвуз қилиқ» эгаларидан бири менман. Башорат қилдингиз. Мен ҳам ўқиганман. Йиғирма беш йил игна билан қудуқ қовладим. Учта дипломин бор. Бир неча минг кишилик катта жамоага бошман. Одамлар оғзимга қараб туради. Кунига бир-икки марта ваъз айтаман. Вазифам шунақа. Адолатдан, нафосатдан, бурч ва садоқатдан, фуқаролик туйғусидан гапираман.

аччиқ қалампирдай бир дард бор, алам бор, азоб бор. Шу азоб туфайли одамларнинг кўзига тик қарай олмайман, қаддимни ғоз тутиб юролмайман, одамлар билан бурунгидай эмин-эркин, очилиб-сочилиб гаплашолмайман. Абай айтмоқчи, тунда уйқум бузилади, кундуз кулгим. Яхшиямки, бошимдаги савдолардан атрофимдагилар беҳабар. Агар хабардор бўлишса, эҳтимол мендан юз ўгириб кетишар, мен билан салом-алиқни бас қилишар, раҳбар сифатида ҳам қадрим бир пул бўлармиди...

У жимиб қолди. Мен «намунча ўртанасиз?» Нима қилган эдингиз?» демоқчи бўлдим-у, ботина олмадим. Шеригим сигаретни тез-тез сўрдию ариққа отиб юборди. Оғзидан ҳалқалхалқа тутун пуркаб, яна тилга кирди.

— Мен тузатиб бўлмайдиган хато қилдим. Отамни уйдан қувиб чиқардим. Менга ёруғ дунёни ато қилган, мушдайлигимдан тарбиялаб шу ёшга, шу мартабага етказган отажонимга уйимдан бир парча ҳоли топилмади. Уни бегона кишиларнинг кўзига термултириб, саргардон қилиб қўйдим.

Чидолмадим.

— Ҳақиқатан ёвуз одам экансиз-ку!


Унинг боши эгилди.

— Узбек тили бой, — деди истеҳза аралаш, — беҳаё, кўр, нонтепки, имонсиз, мунофиқ, устига минг жилд китоб ортил-




КҮК КЎЗЛАР УЗОҚ ЯШАЙДИ(МИ?)...

Франциянинг инсоният полиформизмини ўрганиш маркази физиологлари қизиқ бир тадқиқот ўтказишган. Натижалар эса кўплаб олимлар эътиборини ўзига тортган. Хўш бу тадқиқотларнинг моҳияти нимада?



Франциялик мутахассислар бир неча йиллар давомида 100 ёшга кирган 500 киши устида кузатиш олиб боришган ва бу тадқиқот олимларга кутилмаган хулосаларни торттиқ қилган. Яъни, кўпчилик французлар қоракўз, кўйкўз бўлсалар-да, узоқ умр кўрувчилар орасида кўк кўзликлар устун келган. Улар иштирокчиларнинг 42 фоизини ташкил этган. Кулранг кўзликлар тўрт фоиз ва яшил кўзликлар етти фоиздан ошмаган.

Хитойлик тадқиқотчилар французларнинг бу ахборотига эҳтиёткорлик билан ёндашганлар. Уларнинг ўйлашича, бундай тадқиқот натижалари ҳамма учун ҳам тааллуқли бўлавермайди. Бу тажрибани хитойликлар ҳам амалга ошириб кўрдилар. Маълумки, хитойликлар орасида кўк кўзликлар деярли йўқ. Лекин тажриба натижалари шуни кўрсатдики, улардаги узоқ умр кўрган кексалар ичида ҳам кўк кўзлар анчагина экан. Шунингдек, кўк кўзликлар ўта таъсирчан, оғриққа чидамсиз,



бирок ташки таъсирларга сезгиси жуда кучли бўларкан. Ҳозирги кунда кўзларга турли рангдаги линзаларни ўрнатиш мумкин. Табиийки, бу амалиёт билан инсон умри узаяди деб бўлмайди. Аммо, узоқ умр кўришни орзу қилиш айб эмас.

Франциялик ҳамкасбларининг узоқ умр кўриш омилилари ҳақидаги бошқа далилларини ҳам хитойлик олимлар катта ишонч билан эътироф этдилар. Дарҳақиқат, жисмоний фаол кишилар 100 ёшлилар сафини тўлдириб боради. Бирок жисмоний иш ҳолдан тойдирадиган даражада бўлмаслиги, шунингдек, ижобий ҳис-ҳаяжонлар ва ён атрофда ёки оламда кечаётган воқеа-ходисаларга қизиқиш сўнмаслиги керак. Яна шуни қизиқки, ақлни зўр бериб ишлатаётган одамларда ҳам кексайиш жараёни бошқаларга нисбатан секинроқ кечар экан.

Наргиза СИДДИКОВА
тайёрлади.

ЎЛГИЗЛИК ЭЗИБ ҚЎЙДИ

Ўқиб юрган кезларим курсдошим Жамшид билан бир-биримизни ёқтириб қолдик. Факультетда ҳамма бизни "Лайли ва Мажнун" деб ҳазиллашарди. Институтни битиргач, Жамшид менга совчи кўйди. Уйдагилар ҳам аҳду паймонимиз жиддийлигини билишгач, қаршилиқ кўрсатишмади. Тўйимиз жуда чиройли ўтди. Яна ўзим орзу қилганимдек, қайнона-қайнотам билан яшаётганимдан хурсанд эдим. Аммо негадир қайнонамнинг қовоғи сира очилмади. Менга кўрс гапирар, саломимга зўрга алиқ оларди. Сабабини кейин билдим, улар синглисининг қизини келин қилмоқчи бўлган экан. Жамшид бўлса "Онамнинг муомаласига эътибор берма, ҳаммаси изига тушиб кетади" деб мени тинчлантирарди. Бора-бора қайнонам бошқа йўл тополмагач, энди ўғлига таъсир ўтказа бошлади. Орамизга совуқчилик туширди. Охири-оқибат қайнонам ўғлига "Ё мени дейсан, ё хотинингни" деб қаттиқ шарт қўйди. Ялиниб-ёлборишлар ҳам кўлоқ солмади. Хуллас, бундай низоларни эшитган ота-онам мени уйимизга олиб кетди. Эрим олдинга тез-тез келиб хабар олиб кетар, яқин орада бўлак яшаймиз деб мени ишонтирарди. Кейинчалик умуман қорасини кўрсатмади. Охири қонуний ажрашишга мажбур бўлдик.

Эрим кейинчалик бошқа бир қизга уйланди. Эшитишимча, бола-чақали бўлиб кетибди. Менга ҳам шу орада кўп совчилар келишиди. Лекин қайта турмуш қуришга юрагим безиллаб қолган. Вақтинг яшиндай тез ўтишини қарангки, 14 йил ёлғиз яшабман. Ўйлаб қарасам, ёлғиз аёлга осон эмас экан. Шунинг учун тахририятга мурожаат қилишга мажбур бўлдим. **Ёшим 37 да.** Маълумотим олий. Ишим ва моддий таъминотим яхши. 45 ёшгача бўлган касб-кори тайин, иймонли, меҳрибон (бир-икки нафар фарзанди бўлса ҳам майли) инсон бўлса, хабар беринг.

ХОЛИДА,
Қашқадарё вилояти.

ФАРЗАНДЛАРИМ РОЗИ

Исмим Нурали. **Ёшим 50 да.** Маълумотим ўрта-маъхус. Йўл қурилишида ишлаганман. Ҳозир шаҳарда автобус ҳайдайман. Раҳматли турмуш ўртоғим билан 22 йил бирга тинч-тотув яшадик. Бундан икки йилча аввал хотиним оғир касалликка чалиниб, вафот этган эди. Бир қиз, бир ўғлим бор. Қизимни узат-

ган, менга елкадош бўладиган тошкентлик аёлни топишда ёрдам берсангизлар.

НУРАЛИ ака,
Тошкент шаҳри.

САФАРАЛИГА БАХТ БЕРИНГ!

Ҳамма болаларим соғ-саломат туғилган. Фақат ўғлим Сафаралининг оёқлари ҳаракатлана олмади. Кўрсатмаган шифокор-табибимиз қолмади. Фойдаси бўлмади. У ҳозирги кунда биринчи гуруҳ ногирони. **Ёши 43 да.** Тўғриси айтийин, унга турмушга чикмоқчи бўлган қизлар ҳам топилди. Лекин негадир кейинчалик одамлар айнитишди. Ишонинглар, ўғлим гарчи ногирон бўлса-да, айрим соғ одамлардан кўра кўпроқ меҳнат қилади. Маҳалламизда унинг ўз пойфазал тузатиш устaxonаси бор. Сафарали кун бўйи тиним билмайди. Мижозлари ҳам мамнун. Бадий китобларни кўп ўқиганлиги боис бўлса керак, дунёқараши анча кенг, ҳаётга теран кўз билан қарайди. Ака-укалари оилали, бола-чақали бўлиб кетишган. Онам-да, шу болам, бу дунёдан тоқ ўзтасин, деган умидда сизларга мурожаат этаяпман. Илтимос, ёрдам беринг.

Ишончим комилки, унга турмушга чиққан аёл асло пушаймон қилмайди. Чунки ўғлим битта рўзгорни бемалол тебраталади. Уйи бор, иши тайин. Уни тушушган, кўнглини ола билладиган, меҳрибон келин топилса, бошим осмонга етарди.

ЗУБАЙДА ая,
Тошкент вилояти,
Олмалик шаҳри.



ганман, ўғлимнинг ўқиши тугагач, уйлантириш ниятим бор. Ховлида тураимиз. Умр йўлдошим оламдан ўтганидан сўнг қайта рўзгор қилиш юрагимга сиғмади. Ҳозир эса болаларим дада, биз розимиз, уйланинг, дейишяпти. Қариндошлар ҳам бир неча аёлни тавсия қилишди. Аммо иккиланяпман. Нега десангиз, айримлари уй-жой, мол-мулкка кўз олайтирса, бошқалари қандай бўлса-да, шаҳарда яшашни мақсад қилган. Шундан чўчиб турибман. Бир дўстим яхшиси, "Оила ва жамият"га мурожаат қилишимни маслаҳат берди. Имкони бори-ча, ёшимга мос, уйим-жойим дейди-

ТАХРИРИЯТДАН:

«Бахтли бўлинг» рукнига хат йўллаётган ёки бевосита мурожаат қилаётган фуқаролар паспорт нусхаси ва яшаш жойидан (маҳалла кўмитасидан), соғлиги тўғрисида маълумотнома тақдим этишлари шарт. Шунингдек, ажрашган бўлса, суд қарорининг нусхасини топширишлари талаб этилади.

МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОН: 234-25-46

ТУМОВГА ҚАРШИ МУОЛАЖАЛАР

Айни куз, қиш ойларида шамоллашдан кейинги тумов анча узоқ давом этади. Шундай пайтда турли муолажаларни қўллаб кўрамиз. Ана шундай муолажалардан айримларини эътиборингизга ҳавола этамиз.

★ Бурун катаклари маврак (шалфей) қайнатмаси билан чайиб ташланади. Маврак ўрнига тузли сувдан фойдаланиш ҳам мумкин. Бунинг учун 1 чой қошиқ туз бир стакан сувда эритиб олиниб, бурун катаклари чайилади. Кейин 1 чой қошиқ сабази шарбати шунча миқдордаги чаканда (облепиха) мойи билан аралаштирилади. Тумов чўзилиб кетган вақтда ушбу маҳамми бурунга томизиви фойдалидир.

★ 1 ош қошиқ турп бўтқаси, қоқигул (одуванчик) ва қорағат (смо-родина)нинг қуритилган барглари устига 1,5 литр қайноқ сув қўйилади. Сўнг унга киргичдан чиқарилган олма ва таъбга қараб асал қўйилади. Ушбу ичимликни кунига 4-5 стакандан ичиш лозим.

★ Тумов бўлганда қизил лавлаг шарбати ҳам яхши даво бўлади. Бунда янги тайёрланган лавлага шарбати кунига 3-4 томчидан ҳар бир бурун тешигига томзиллади.

★ Тенг миқдордаги сабази шарбати ва ўсимлик ёғи олинади. Унга бир неча томчи саримсоқпиез суви қўшиб аралаштириб тайёрланган аралашмадан кунига бир неча марта бурунга томизиб туриш тумовга қарши яхши самара беради.

★ Бурунга кунига 8-12 марта сабази шарбати томизилиб турса ҳам кони



фойдадир. Ушбу муолажа халқ табиотида кенг қўлланилади.

★ Картошкани қайнатиб, унинг бугида нафас олиб, ўраниб ўтириш ҳам тумовда яхши наф беради.

★ Тумовнинг олдини олишда тенг миқдордаги турп шарбати ва спиртни аралаштириб, кунига 2 ош қошиқдан ичилади.

★ Тумов авжига чиққанда лимондан тайёрланган малҳам тез тузалашга ёрдам беради. Бунинг учун ўртача катталиқдаги бир дона лимон қайнаб турган сувга бир дақиқа ботириб олинган, пўсти билан гўшт майдалагичдан чиқарилади. Унга 100 гр. майиз ва 2 ош қошиқ тарик аралаштирилади. Ундан ҳар куни овқатдан олдин 1 чой қошиқдан то тузалгунча истеъмол қилинади.

Ушбу муолажаларни қўллашдан олдин мутахассис билан маслаҳатлашинг.

Латофат САЪДУЛЛАЕВА
тайёрлади.

Ўрганганинг ўзингга

Фойдали Маслаҳатлар

★ Қаҳва таркибида асаб тизимини қўзғатувчи кофеин моддаси мавжуд. Шунинг учун ёш болаларга қаҳва бериш тавсия этилмайди.

★ Балиқ тангачаларини тозалаётган пайтингизда сирғалиб кетмаслиги учун аввал кўлингизни тузга ишқалаб олинг.

★ Гўшт мазали ва юмшоқ қовурилиши учун уни қовуришдан аввал ювиш ва қоғоз сочиқчада артиб олиш лозим.

★ Бисквит хамирини эҳтиёткорлик билан аста-секин аралаштиринг. Агарда уни тез аралаштирсангиз хамир яхши кўпчима йди. Натижада пиширингиз сиз кутгандек бўлишига эга бўлмайди.

★ Картошкани пўсти билан қайнатсангиз, ундаги фойдали моддалар яхши сақланади.

★ Жигарни қовуришдан олдин 5 дақиқа сутга солиб қўйсангиз, у юмшоқ бўлиб пишади.

★ Ошхонадаги осма шкафлар устига қоғоз тўшаб қўйганингиз маъқул. Негаки унинг устига чанг ва ёғ ўтириб қолса, тозалаш қийин кечади.

Гулноза БОБОЕВА тайёрлади.



ОЛТИ ЁШЛИ БОЛА: МАКТАБГА ТАЙЁРМИ?

Фарзанд — оила гултожи. Гўдакнинг дунёга келиши ота-онаси қалбини қанчалар шодлантирган бўлса, унинг илк атак-чечак қилиб, остона ҳатлаган дамлари ҳаммамизга завқ-шавқ бағишлайди. Мана, орадан йиллар ўтиб, ана шу чақалоқ олти ёшга қадам қўйди. У энди мактабга чиқиши керак. Бу бир қараганда, табиийдек кўринади. Бироқ аксарият ҳолларда болалар ота-онасининг хоҳиш-истаги билан ҳали ўқишга тайёр бўлмасдан туриб, дарсга боради. Хўш, кечагина боғчага бормайман, деб хархаша қилиб юрган болакай бугун жисмоний ва руҳий жиҳатдан мактабга чиқишга тайёрми?

Ушбу долзарб мавзу юзасидан Ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш ва психологик-педагогик республика ташхис маркази мутахассислари ўз қузатув ва фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Раъно АХАТОВА,
дефектология ва тиббий хизмат бўлими мутахассиси:

— Тиббий кўрикнинг мақсади, олти ёшли болаларнинг жисмоний ривожланганлиги, саломатлиги ҳақида тиббий хулоса чиқариш, мактабда ўқишга моеллик қилувчи касалликлари бўлмаган, мутлақ соғлом деб топилган болаларга умумий ўрта таълим мактабларидаги психологик-педагогик кўрик комиссиясидан ўтишларига руҳсат бериш, кўриқда носоғлом эканлиги аниқланган олти ёшли болаларни соғломлаштириш режаларини ишлаб чиқиш, уни амалга ошириш учун даволаш-профилактика муассасалари ва ота-оналарга тавсифлар беришдан иборат. Шунга биноан, ҳар йили 1 февралдан 30 апрелгача ўтган йилнинг 1 октябрдан жорий йилнинг 1 сентабргача бўлган даврда туғилган болалар тиббий кўриқдан ўтказилади. Республика бўйича 2012 йилда 6 ёшли болалар ўртасида ўтказилган тиббий кўрик натижалари таҳлили шуни кўрсатдики, Самарқанд ва Хоразм вилоятларида жами 6 ёшли болаларнинг каттагина қисми носоғлом деб топилган бўлса, бу кўрсаткич Сирдарё ва Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳрида ҳам кўнгилдагидек эмаслиги аниқланди. Бундан ташқари, ўтган йили мамлакатимиз бўйича олти ёшдан мактабнинг 1-синфга қабул қилиниб, ҳозирда 2-синфга таълим олаётган ўқувчилар ҳам тиббий кўриқдан ўтказилди. Натижа эса минг афсуски, қониқарли эмас. Олти ёшли ўқувчилар сони бўйича Қашқадарё, Самарқанд ва Фарғона вилоятлари етакчилик қилди. Албатта, Қашқадарё ва Фарғона вилоятлари ўқувчиларининг кўпроқ соғломлиги қувонарли ҳол. Лекин Самарқанд ва Наманган вилоятида қатор муаммоларга эга ўқувчилар сонининг кўплиги кишини ташвишга солади.

Зулфизар БАХОДИРОВА,
мутахассис:
— Фарзандларининг ҳолати ташхис талабларига жавоб бермас-да, айрим



ота-оналар боласини айнан ҳамма танийдиган битта тажрибали ўқитувчи қўлида ўқишини исташди ёхуд онанинг турғуқ таътилидан ишга қайтганлиги сабабли бола уйда қаровсиз қолишини рўқач қилишиб, мактабга бермоқчи эканликларини айтишди. Бундай ҳолларда улар ўртасида тушунтириш ишлари олиб борамиз, кўпчилиги ўз хатосини тушуниб етади. Шу ўринда яна бир муҳим омилни эътибордан четда қолдирмаслик керак. Мактабга қабул қилинаётган бола мутлақ соғлом бўлмаса, унга камқонлик касаллиги, ёки умуртқа погонасининг қийшайиши ташхиси қўйилган бўлса, бола тез-тез толиқадиган, асабийлашадиган бўлиб қолади. Бу, албатта, унинг соғлиги ва ўқишга жиддий таъсир кўрсатади. Берилган топшириқларни ўз вақтида бажаролмай, кўнгли ўқишдан совийди.

Сайёра АЛИМХҲАЕВА,
таълим муассасаларида психологик хизмат бўлими бош методисти:
— Ҳар йили май-август ойларида халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлимларида олти ёшли болаларга мактабга тавсия бериш бўйича психологик-педагогик ташхис комиссияси тузилади. Тиббий кўриқдан ўтган бола

Долзарб мавзу

мактаб психологи, логопед ва бошланғич синф ўқитувчисидан иборат комиссия синовидан ўтади. Мактабга психологик томондан тайёрлик деганда болада илк ўқув мотивлари шаклланган, кичик қўл моторикаси ҳамда диққат, сезги, идрок, хотира, тафаккур, хаёл каби билиш жараёнлари етарли даражада ривожланган бўлиши, боланинг янги муҳитга, яъни мактабга, синфдошларига қай даражада мослаша олиши, ўз тенгдошлари билан муомалага кириша билиши, ўқитувчининг талабларини бажариши, ўз хулқини назорат қила олиши каби муҳим жиҳатларининг шаклланганлиги билан изоҳланади. Шунингдек, синовда иштирок этаётган боладан белгиларга қараб ажратиш, йил фасллари, ҳафта кунлари, асосий рангларни билиш ва фарқлаш, предметларни шакли ва ҳажмига қараб бир-биридан ажратиш, нутқининг ривожланганлиги, жумлаларни тўғри туза олиши, расмга қараб қиёққа тузиш каби талаблар қўйилади. Мактабгача ёшдаги болаларнинг психологиясидан келиб чиқадиган бўлса, ушбу ёшда боланинг асосий фаолият тури йўл ҳисобланади. Шу сабабли, психологик-педагогик ташхис жараёнида болани имтиҳон қилиш эмас, балки белгиланган топшириқларни эркин бажариши учун кўрсатмаларни ҳам ўйин тарзида бериш лозим. Ташхисдан ўтказилаётган вақтда боланинг ота-онаси ёки қонийи вакили комиссия ишига халақит бермаган ҳолда иштирок этади.

1-синфга қабул қилинган 6-7 ёшли ўқувчилар билан мактаб психологи биринчи ўқиш кунидан бошлаб, уч ой мобайнида ҳафтада бир марта коррекцион ривожлантирувчи машғулотлар олиб боради. Декабрь-январ ойларида эса олти ёшли боланинг мактабга психологик мослашганлигини аниқлаш учун қайта ташхис ўтказилади. Ушбу ташхис беш мезонда тузилиб, мослашув жараёни суут ва мослашмаган ўқувчилар билан қайта чуқурлаштирилган коррекцион машғулотлар ташкил этилади.

Юқорида таъкидланганидек, олти ёшли боланинг асосий фаолияти йўл ҳисобланса, агар бола "ўйинга тўйма-са", уни мажбуран ўқиш, ёзиш, санокқа ўргатиш орқали биз бола организмнинг табиий ривожланишига тўсқинлик қилган бўламиз.

Мухтарам ота-оналар! Фарзандингизнинг жисмоний, ақлий етуклиги ҳамда психологик тайёрлигини ҳисобга олган ҳолда, уларни мактабга бериш масаласига жиддий эътибор беришингизни тавсия қилган бўлардик.

Нурбек ҚИДИРАЛИЕВ
ёзиб олди.



ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИ УЧУН ЙЎЛЛАНМА

Пойтахтимидаги "Жар" спорт-соғломлаштириш мажмуасида кикбоксинг бўйича Ўзбекистон чемпионати бўлиб ўтди.

Мазкур мусобақада 300 нафардан зиёд спортчи 28 медаллар жамланмаси учун рингга чиқди.

17 ёшга бўлган ўсмирлар ўртасида пойтахтлик Абдужалил Исроилхўжаев, Козим Саидзимов, андижонлик Хусан Абдуллаев, наманганлик Бобур Акбаралиев, сирдарёлик Рўзимурод Тўрақулов, бухоролик Дилшод Исломовлар шохсупанинг энг юқори погонасига кўтарилди.

Хотин-қизлар мусобақасида пойтахтлик Шахноза Низомова, Шахноза Раҳматуллаева, Любовь Александрова, Андижон вилоятидан Асалия Норматова ҳамда Юлдуз Ҳайдаровага олтин медалъ насиб этди.

Катталар ўртасидаги беллашуларда тошкентлик Нодир Исроилов, Жамол Салимжонов, Аҳмад Алимбеков, Баҳодир Машарипов, Ихтиёр Муртозов, сирдарёлик Дилшод Содиков ва навоийлик Даврон Қосимов сингари моҳир кикбоксинг усталари мамлакат чемпионлигига сазовор бўлди.

Мусобақа якунига кўра Ўзбекистон терма жамоаси сафига қабул қилинган маҳоратли спортчилар Осий чемпионатида қатнашиш ҳуқуқини кўлга киритди.

ЭРМАТОВ ОСИЁ БЕЛЛАШУВИДА

Бирлашган Араб Амирликларида давом этаётган ёшлар ўртасидаги Осий чемпионати қизиқарли давом этмоқда.

Аҳмаджон Мусаев бошчилигидаги Ўзбекистон ёшлари Вьетнамга қарши кечган биринчи баҳсда муваффақият-ли натижага қайд этди. Футболчиларимиз рақиблар дарвозасига тўртта жавобсиз тўп йўллашди.

«С» ва «D» гуруҳларида кеча 2-тур учрашувлари бўлиб ўтди. Унда вакилларимиз Иордания термасига қарши баҳс олиб боришди.

Равшан Эрматов бошчилигидаги ҳакамлар бригадаси ҳам чемпионатда гуруҳ босқичи 2-тур ўйинида ҳакамлик қилди.

Мусобақага таклиф этилган ўзбекистонлик ҳакамлар — бош ҳакам Равшан Эрматов ва ён қанот ҳаками Жаҳонгир Саидов тур доирасидаги Сурия ва Австралия терма жамоалари ўртасидаги ўйинни бошқариб боришди.

Интернет манбалари асосида
Илҳом ЖУМАНОВ тайёрлади.

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани турар-жой бинолар ва кадастр хизмати томонидан Ганиев Шухрат Турғунович номига берилган Гулобод мавзеси 4-уй 57-сонли уйга тегишли бўлган уй режаси ва далолатнома йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

ҲИКМАТ ИЗЛАГАНГА ҲИКМАТДИР ДУНЁ

Кимнинг хислати ва фазилати ортиқ бўлса, унинг душмани ҳам беқиёс кўп бўлади.

Ортидан минг-миглаб қаннинг овозини эшитгани билан бўри уларга қайрилиб қарармиди?

Одамлар орасида бўла туриб тилини тия олган ва иззат орттирган одам ҳақиқий инсондир.

Сени ким сўкса, сен уни мактагин, ўшанда у ярамас, тубан, сен эса яхши одамлар қаторида бўласан.

Жафо қилувчига вафо қилавер, вафони мардлар қилдилар, жафо эса номардларнинг ишидир.

Юсуф Хос ҲОЖИБ
(«Қутадғу билик»дан)

Муассеслар: Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, «Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш» асоопиацияси (Болалар жамгармаси) ва «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамгармаси

Тахририятга келган кўлэмалар муаллифларга қайтарилмайди. Реклама материаллари мазмуни учун тахририят жавобгар эмас.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Босишга топшириш вақти — 15:00. Босишга топширилди — 15:00.

E-mail: oilavajamiyat@sakor.uz

ISSN 2010-7609



Бош муҳаррир:
Норқобил ЖАЛИЛОВ

Навбатчи муҳаррир — Нигора РАҲМОНОВА
Саҳифаловчи — Оқил РАҲМОНОВ
Мусахҳилар — Саидғани САЙДАЛИМОВ,
Гулноза БОБОЕВА

МАНЗИЛИМИС: Тошкент — 100000, Амир Темур кўчаси
1-тор кўча, 2-уй. Мўлжал: Олой бозори ёнида

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида
0169-рақам билан 11.01.07 да рўйхатга олинган. Буюртма Г — 1128. Формати А-3, ҳажми 2 табоқ. Адади — 6207. Баҳоси келишилган нарҳда.

ОБУНА ИНДЕКСИ — 176

Қабулхона: (тел-факс) 233-28-20
Котибият: 234-76-08
Мухбирлар: 233-04-50
«Оила» бўлими: 234-25-46

Web-site: oilavajamiyat.uz

1 2 3 5